SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 8 (3) - 2023

# ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

# АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

# ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

ISSN: 2181-1342 (Online)
Сайт: https://scienceproblems.uz
DOI: 10.47390/SCP1342V3I8Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***№ 8 (3)-2023***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2023**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа октори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

**Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал:
https://t.me/scienceproblems_uz

## *МУНДАРИЖА*

**07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

*Воҳидова Комила Абдуллозизовна*
“ЭЛ БАЙРОҒИ” ГАЗЕТАСИ ҲАҚИДА ........ 11-17

*Сулайманов Саламат Арепбаевич*
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ВИЛОЯТИДА ҚУРУҚЛИК ВА СУВ ТРАНСПОРТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР (1924-1932 ЙЙ) ........ 18-24

*Раупов Холмамат*
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИ ........ 25-32

*Мажидов Анвар Сиражович*
ИМПЕРИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ ТУРКИСТОН ТУБ ХАЛҚЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) ........ 33-40

*Begamova Nasiba Xolmurzayevna*
FERMER XOʻJALIKLARI VA KLASTER TIZIMI UCHUN OʻRTA MAʼLUMOTLI MUTAXASSISLARNI TAYYORLASH TIZIMIDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR (SURXONDARYO VILOYATI MISOLIDA) ........ 41-48

*Алланазаров Мурот Мирзаевич*
БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ НОЗИРЛАР ШЎРОСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА ........ 49-54

*Ismoilova Feruza Ibragimovna*
URUSH YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN VA MADANIYAT SOHALARIDAGI XIZMATLARI ........ 55-59

*Tursunov Xurshid Nasriddinovich*
OʻZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI ........ 60-64

**08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

*Yuldosheva Gulnoza Abdinabiyevna*
THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN MODELING THE FINANCIAL ACTIVITIES OF ENTERPRISES ........ 65-70

*Oromidinov Muzaffar Pardabayevich*
DIRECTIONS FOR IMPROVING INTERNAL AUDIT IN COMMERCIAL BANKS ........ 71-75

*Худайназарова Дилором Хайруллаевна*
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ........ 76-84

*To'lakov Ulug'bek Toshmamatovich, Jo'rayev Sirojiddin Muxiddin o'g'li*
KO'CHMAS MULKNI SOLIQQA TORTISHDA XORIJIY DAVLATLARDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR ........ 85-92

*Xudayberganov Dilshod Tuxtabayevich*
MINTAQADA XIZMAT TURLARIDAN SAMARALI RIVOJLANTIRISH YO'NALISHLARI ........ 93-98

*Turobov Sherzod Alisherovich*
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA UY XO'JALIKLARI TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA DAVLAT SIYOSATI ........ 99-105

*Шамсиев Нодир Муратович*
МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПРИ АНАЛИЗЕ РЕЙТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ИХ КАЧЕСТВЕННОЕ ОПИСАНИЕ ........ 106-110

*Zaripova Moxira Zarip qizi*
AGRAR SOHAGA XORIJIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI ........ 111-114

*Узайдуллаев Шерзод Шукуруллаевич*
ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ ........ 115-121

*Atabayeva Karomat Rajabovna, Rajabova Maftuna Farhod qizi*
O'ZBEKISTONDA TURIZM SOHASINING RIVOJLANISHI VA TAHLILI ........ 122-127

*Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи*
МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 128-137

*Камалов Акмал Сайдакбарович, Саматов Ғаффор Аллақулович*
ГЕОИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ ........ 138-150

*Мамадиёров Олимжон Умарович*
ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ........ 151-158

*Раббимов Жахонгир Эшбоевич*
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, УЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ ........ 159-164

*Кулибоев Азамат Шоназарович*
ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ........ 165-174

*Гадоев Сӯҳроб Жумакулович*
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ........ 175-181

*Бекжанов Дилмурад Йўлдашович*
ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ........ 182-193

***09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ***

*Boydadayev Abdurroxmon Tolibjon oʻgʻli*
SHARQ VA GʻARB IRRATSIONAL FALSAFASIDA PANTEISTIK QARASHLARNING QIYOSIY TAHLILI (J.RUMIY VA F.NITSSHE FALSAFASI MISOLIDA) ........ 194-200

*Xayridinov Abbosxon Anvarovich*
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MA’NAVIY MA’RIFIY INQIROZLARNING OLDINI OLISHDA MARKAZIY OSIYO QADRIYATLARINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI ........ 201-205

*Quramboyev Alisher Maxsudovich*
TEMURIYLAR DAVRIDA IJTIMOIY ADOLAT TAMOYILLARINING AMAL QILISHI ........ 206-211

*Joʻrayev Alisher Tulqinboyevich*
JAMIYAT MILLIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH – DAVLATNING USTUVOR MAQSADI ........ 212-217

*Turabova Sevara Kattaqulovna*
ILMIY BAHS FENOMENINING MANTIQIY– GNOSEOLOGIK MAQOMINI OʻRGANISHDA KONSEPTUAL-METODOLOGIK YONDOSHUV ........ 218-224

*Пардаева Марҳабо Давлатовна*
АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ ҒОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ ........ 225-233

*Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich*
NIKOH MUNOSABATLARINING TADRIJIY RIVOJLANISHI ........ 234-240

*Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna*
DINIY MANBALARDA GOʻZALLIK TOʻGʻRISIDAGI FALSAFIY QARASHLAR ........ 241-246

*Юсупова Феруза Зойировна*
АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИНИНГ МЕЗОНИ ........ 247-251

*Teshaboev Muhiddin Marifovich*
IJTIMOIY ADOLATNI TA’MINLASHNING PRINSIPIAL MASALALARI ........ 252-257

## *10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ*

*Soatova Nodira Isomitdinovna*
LIRO-EPIK ASARLARDA POETIK FIKRNING BADIIY IFODASI ........................................................ 258-265

*Narmuratov Zayniddin Radjabovich*
FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR LINGVOMADANIY BIRLIK SIFATIDA ............................................ 266-269

*Yusupova Omina Muhammadzoir kizi*
DIFFERENT CLASSIFICATION OF FAIRYTALE DISCOURSE IN WORLD AND UZBEK FOLKLORE ........................................................................................................................................ 270-276

*Бозорова Хулкар Одинакуловна*
РУССКИЙ ЯЗЫК КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОДЕРЖАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ .............................................................................. 277-282

*Matyakubov Oybek Quralbayevich*
KOGNITIV TILSHUNOSLIKDA «KONSEPT» TUSHUNCHASI .......................................................... 283-288

*Фатуллаева Камола Рахматуллаевна*
ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ ................................................. 289-293

*Karimjonova Shahlo Ravshanjonovna*
O‘ZBEK TILIDA KAUZATIV FE’LLARNING YASALISH USULLARI ............................................ 294-299

*Xamzayev Otaxon Erkinovich*
INGLIZ VA O‘ZBEK TILLARIDA KASB-HUNARGA OIDMAQOLLARNING CHOG‘ISHTIRMA TAHLILI ............................................................................................................................................ 300-305

## *12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР*

*Абдурахманова Нодирахон*
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СМАРТ-КОНТРАКТОВ В СНГ ........................................ 306-310

*Сафоева Садокат Мусоевна*
ЭКОСИСТЕМА СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ РОЛЕЙ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ СТОРОН В КОНТЕКСТЕ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА ....................................................................... 311-320

*Абдуллаева Маликабону Эркин қизи*
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ ............... 321-330

## *13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ*

*Zoirova Lola Xamidovna*
TIBBIYOT OLIY TA’LIM MUASSASALARIDA “INSON ORGANIZMINING RADIATSIYAGA SEZGIRLIGI” MAVZUSINI O‘QITISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN

FOYDALANISH ........................................................................................................ 331-336

*Ibragimov A'lamjon Amrilloyevich*
KOGNITIV SIFATLARNING UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA TA'SIRI (MAKTAB PEDAGOG XODIMLARI MISOLIDA) ........................................................................................................ 337-343

*Madaminov Azimbek Egamberganovich, Xalillayev O'ktam Sobir o'g'li*
YOSH GANDBOLCHI DARVOZABONLARNI O'YIN TEXNIKASIGA O'RGATISH .................... 344-349

*Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi*
ANALYSIS OF THE POSITIVE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE MOTIVATION AND KNOWLEDGE OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATIONAL PROCESS ........................................................................................................ 350-355

*Джумаева Хулкархан Мухаммаджоновна*
ВНУТРЕННИЕ УГРОЗЫ, НЕГАТИВНО ВЛИЯЮЩИЕ НА ДУХОВНОСТЬ СТУДЕНТОВ .. 356-361

*Islomova Madina Asqarovna*
INTEGRATSIYALASHGAN SUN'IY INTELLEKT TOMONIDAN YARATILGAN CHATGPT BOT YORDAMIDA NEMIS TILI O'QITISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH ........................... 362-368

*Raxmatova Mexrinoz Majitovna*
YOSHLAR MA'NAVIY SALOHIYATINI O'RGANISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI ........................................................................................................ 369-373

*Абдукаюмова Наргиза Райимовна*
ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ–ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТЛАРИ ................................................. 374-384

*Norboyev Farxod Chorshanbiyevich*
KREATIVLIK VA INNOVATSIYA BORASIDA ZAMONAVIY NAZARIYALAR ..................... 385-390

*Borasheva Aybolgan*
EXPLORING JAMES MCCROSKEY'S RESEARCH ON WILLINGNESS TO COMMUNICATE IN L1 CONTEXTS: IMPLICATIONS FOR LANGUAGE TEACHING AND LEARNING ......................... 391-398

*Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna*
KOGNITIV TADQIQOTLARNING FANLARARO TUSHUNCHA SIFATIDAGI MOHIYATI VA MANTIQIY TAHLILI ........................................................................................................ 399-409

*Boboraximov Sanjar Malikjanovich*
MAKTABDA O'QUVCHILARNI JISMONIY TARBIYALASHNING ZARURATI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR ........................................................................................................ 410-414

*Salimova Shahlo Sayfulloyevna*
XAVFSIZ TA'LIM MUHITI MONITORINGINING AHAMIYATI .................................................... 415-421

*Sayfiddinova Jamila Ziyodulla qizi*
METHODOLOGY FOR THE DEVELOPMENT OF LOGICAL REASONING IN PRIMARY SCHOOL PUPILS ........ 422-427

*Xamroyev Samijon Salimovich*
SPORT TO'GARAKLARI ORQALI TALABALARNING JISMONIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH KOMPONENTLARI ........ 428-433

*Kattaeva Feruza Shakirovna*
DEVELOPING STUDENTS SOCIO-CULTURAL COMPETENCE BY USING SOCIO CULTURAL DISCOURSE ANALYSIS METHOD ........ 434-441

*G'ofurov Azizbek Umarjonovich*
BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA FANI O'QITUVCHILARINI TAYYORLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH ........ 442-447

*Abduraximova Umida Shuxratovna*
BO'LAJAK TARJIMONLARNING LINGVOMADANIY VA KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI ........ 448-454

*Obidova Gulmira Kuzibaevna*
INGLIZ TILINI O'RGANISH JARAYONIDA TEXNIKA TA'LIM YO'NALISHI TALABALARIDA EKOLOGIK MADANIYAT ASOSLARINI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR VA INTERAKTIV METODLAR ........ 455-460

*Axmadaliyeva Xosiyatposhsho Abduxayotovna*
PROFESSINAL TA'LIM YO'NALISHLARIDA TAHSIL OLAYOTGAN O'QUVCHILARNING INGLIZ TILIDAN KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI AUTENTIK MATERIALLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH ........ 461-469

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ 8 (3)-2023.
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

*08.00.00-Иқтисодиёт фанлари*

**Худайназарова Дилором Хайруллаевна,**
ТАТУ катта ўқитувчиси

# ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада тўқимачилик саноати корхоналарининг рискларини пасайтириш, сўндириш ҳамда бартараф этиш мақсадида яшил иқтисодий моделга асосланган стратегияларнинг амалий тадбиғининг самарадорлиги ҳамда истиқболларига қаратилган илмий маълумотлардан ташкил топган.

**Калит сўзлар:** тўқимачилик саноатида рискларни сўндириш, ёпиқ циклли иқтисодиёт, яшил иқтисодиёт, алтернатив хомашелардан маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

**Khudaynazarova Dilorom Khayrullayevna,**
Senior lecturer of TUIT

# PROSPECTS FOR THE STRATEGIC TRANSFORMATION OF THE RISKS OF TEXTILE ENTERPRISES IN THE FRAMEWORK OF THE GREEN ECONOMY

**Abstract.** This article consists of scientific data focused on the effectiveness and prospects for the practical application of strategies based on a green economic model in order to reduce, extinguish and eliminate the risks of textile enterprises.

**Key words**: risk reduction in the textile industry, circular economy, green economy, production of products from alternative raw materials.

**Худайназарова Дилором Хайруллаевна,**
старший преподаватель ТИТУ

# ПЕРСПЕКТИВЫ СТРАТЕГИЧЕСКОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ РИСКОВ ПРЕДПРИЯТИЙ ТЕКСТИЛЬНОЙ ОТРАСЛИ В РАМКАХ ЗЕЛЕНОЙ ЭКОНОМИКИ

**Аннотация.** Данная статья состоит из научных данных, ориентированных на эффективность и перспективы практического применения стратегий, основанных на зеленой экономической модели, с целью снижения, гашения и устранения рисков предприятий текстильной отрасли.

**Ключевые слова:** снижение рисков в текстильной промышленности, экономика замкнутого цикла, зеленая экономика, производство продукции из альтернативного сырья.

DOI: https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N11

**Кириш.** Тўқимачилик саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг экология ва атроф-муҳит муҳофазасини сақлашда салбий таъсирлари кўп бўлиб, бу узоқ йиллар мобайнида ўзига хос ечим топган ва топаётган бўлса-да, долзарб масалалигича қолмоқда. Баъзи табиатсевар фуқаролар, эркин волонтёрлар ҳамда норасмий гуруҳ намойишлар иштирокчилари алоқа воситалари дунё ахборот тизимини эгаллаган бир вақтда ҳар бир табиатга зарар етказувчи корхонанинг "экологик гуноҳ"ларини оммага ёйишга интилган ҳолда корхоналарнинг мавқейига путур етказадилар, ультиматумга хос ҳаракатлар остида табиатни асрашга ундайдилар. Бу ҳолатлар асосан кончилик, нефт-кимё ҳамда йирик тўқимачилик саноати корхоналарига нисбатан кўп учрайдиган ҳолат саналади. Аммо стратегик бошқарув тизими асосида корхона иқтисодиётини тараққий эттиришда шартли равишда экологик хавфсизликни таъминлаш юзасидан тактик ҳаракатлар ва тадбирларни амалга оширишни стратегиялар қамраб олишини тақозо этгани боис, унинг моделлари ва механизмларида табиатни муҳофазалаш инобатга олинади.

**Методлар.** Яшил иқтисодиёт асосида фаолият юритиш жиҳатдан кўплаб стратегиялар мавжуд бўлса-да, уларнинг аксарияти экологик хавфсизликни таъминлаш меъёрлари чегарасида олиб борилади. Бу корхона томонидан қоидаларга амал қилишни англатса-да, экологик хавфсизликни таъминлашда қаҳрамонлик саналмайди. Тўқимачилик саноати корхоналари томонидан асосан табиатга ичимлик суви, ҳавога чиқиндиларнинг ва газ ташландиқларининг қўйиб юборилиши, чегараланган табиий ресурсларнинг ўз функциясини бажаришда мураккабликлар туғдиришига сабаб бўлиш ҳолатлари кузатилади. Шу боис корхоналарга "ёпиқ цикл иқтисодиёти" моделини тарғиб қилиш тавсия этилади.

**Муҳокама.** Ёпиқ цикл иқтисодиёти деганда чиқиндиларсиз ишлаб чиқаришга ихтисослашган иқтисодий модель тушунилади. Мазкур моделда барча жараёнлар тақсимланади, таъмирланади, қайта фойдаланилади ёки қайта ишлаб чиқарилади. Бу моделда чиқинди мақомидаги ташланмалар қадр ва қийматга эга ресурсга айлантирилади. Бу мураккаб жараён ва фаолиятдек туюлса-да, ушбу модель асосида иқтисодий инфратузилмани қайта шакллантириш саноат корхоналари рискларини муқобиллаштиришга кенг масштабда эришилади. Бу моделни таҳлил қилмай туриб ҳам қўшимча қиймат ярата олишини башорат қилиш мумкин, негаки чиқинди мақомидаги барча нарсалар ундан қимматбаҳо ресурс сифатида фойдаланишни мўлжаллаган корхоналар учун хомашё сифатида харид қилишда юқори нарх билан савдолашмайдилар. Бу модель харажатларни максимал қисқариши билан бир қаторда корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг таннархини минималлаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, бу модель асосида ишлаб чиқариш фаолиятини олиб борадиган корхоналар ҳукуматнинг чиқиндиларни қисқартиришга сафарбар қилинган бюджетни тежашга, корхонанинг даромадини ошишини таъминлаши ҳамда маҳаллий иш ўринларини яратиш орқали мамлакат иқтисодиётини ривожланишини қўллаб-қувватлашда аҳамияти улкан саналади.

**Натижалар.** Ёпиқ циклли иқтисодиётни корхонада олиб бориш концепцияси иқтисодий қонуниятларни салбий таъсирини камайтириш, узоқ муддатли барқарорликни таъминлаш, ишбилармонлик ва эркин иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, экологик ҳамда ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилишни қамраб олса-да,

унинг механизацион амалга оширилиши учун чиқиндилардан фойдаланиш имкониятига ва технологик шароит қилган корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатиши ёки улар борасида маълумотга эга бўлиши лозим. Мамлакатимизда чиқиндиларни қайта ишлашга тегишли бўлган саноат ишлаб чиқариш тармоқлари жуда саноқли саналиб, тўқимачилик саноати корхоналарида бу амалиёт жорий этилмаган. Мамлакатимизда болалар тагликлари, пластмасса буюмлари, металл буюмлари, каучук ҳамда қоғозларни қайта ишлаш натижасида такрор маҳсулот олиш мавжуд, аммо кўплаб саноат корхоналарининг чиқиндилари чиқинди уюмларига ноилож юборилиши ёпиқ циклли иқтисодий фаолиятни ривожлантириш долзарблигини оширишга хизмат қилишини намоён этмоқда.

Ёпиқ циклли иқтисодий тизимда чиқиндиларни қайта ишлаш учун қулайлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ресторaторларга чиқиндиларни ўз ўрнини топиш учун чорвачилик билан шуғулланишнинг қамровидаги паррандачилик, қора чорва ҳамда енгил чорва билан шуғулланувчилар учун алоҳида ажратиб берилишининг ўзи кифоядир. Шу каби ҳолатни тўқимачилик саноати корхоналарида маҳсулотнинг компонентларига ажратган ҳолда улардан фойдаланадиган корхоналар учун тайёр хомашё ҳолатига келтириш орқали тизимни амалга ошириш мамлакатимизда чиқиндиларни қайта ишлаш саноати корхоналарини сонини тезкор ошишига мотивацион характер касб этиши мумкин. Тўқимачилик саноати корхоналари ҳавога зарарли моддаларни чиқаришини олдини олувчи илғор технологияларни жорий этган ҳолда экологик хавфсизликни бирмунча таъминласа-да, бу ҳолатни янада яхшилашни таклиф этувчи хориж корхоналари доимо ўз қизиқишлари ва лойиҳалари билан чиқадилар.




| | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Қашқадарё | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент | Фарғона | Хоразм | Тошкент ш. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2017 | 37,7 | 15,8 | 63,8 | 5,2 | 165,7 | 44,1 | 15,9 | 37,2 | 3,2 | 59,6 | 302,9 | 60,1 | 9,2 | 33,1 |
| 2018 | 34,0 | 15,9 | 74,8 | 11,8 | 152,2 | 49,9 | 15,2 | 52,1 | 5,1 | 60,5 | 336,6 | 53,2 | 7,1 | 15,3 |
| 2019 | 37,2 | 14,3 | 69,1 | 4,3 | 140,4 | 43,6 | 15,8 | 44,2 | 6,9 | 47,8 | 397,9 | 49,6 | 7,2 | 74,5 |
| 2020 | 28,9 | 11,5 | 37,1 | 3,4 | 128,1 | 48,4 | 15,0 | 52,7 | 6,5 | 71,8 | 430,0 | 50,5 | 6,8 | 33,7 |
| 2021 | 31,0 | 5,0 | 45,0 | 3,0 | 132,0 | 69,0 | 24,0 | 39,0 | 7,0 | 46,0 | 425,0 | 47,0 | 7,0 | 29,0 |

**1-расм. Атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар, 2011-2021 йй (минг тонна)** [8]

Юқорида келтирилган расмда ҳавонинг ифлосланиши Ўзбекистонда асосан Тошкент шаҳри, Қашқадарё вилояти ҳамда Бухоро вилоятига тўғри келмоқда. Энг кўп саноат корхоналари ҳам айнан шу ҳудудларда жойлашган. Тўқимачилик саноати корхоналари мазкур ҳududдаги жойлашуви бошқа вилоятларга қараганда нисбатан камроқ бўлсада, барибир ҳавони ифлослантиришдаги улуши йўқ эмас. Шу жиҳатдан

ҳавони зарарли моддалардан тозалашда ҳаво скруббери, намлантирувчи скруббер, туман йиғувчи, электрофилтр сингари илғор технологияларни жорий этиш талаб этилади. Мазкур технологик таъминотнинг корхоналарга татбиқ этилишига ёпиқ циклли иқтисодий тизимни киритиш ёрдамчи модель сифатида ҳавонинг тозаланишини 3,4 фоизга таъминлайди. [9]

Ёпиқ циклли иқтисодий тизимларни бошқариш нафақат чиқиндиларни қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулот ҳолатига келтириш учун хомашё ресурслар таркибини давомийлигини таъминлаш, балки чиқиндилардан альтернатив хомашё сифатида фойдаланиш сингари танловларни ҳам назарда тутади. Тўқимачилик саноати корхоналарида асосан полиестер, пахта, нейлон, тери, жун, конопли, лён каби толалардан матолар ишлаб чиқаришга ихтисослашувини кузатилади, уларнинг инкрементал инновацион хусусиятини такомиллаштириш ёпиқ циклли иқтисодий тизим учун етарли даражада кўзланган мақсадга эришишда самараси кузатилмайди. Аммо тўқимачилик саноати корхонаparticularlyларига альтернативларни тақдим этиш орқали ишлаб чиқариш механизмларининг ўзгаришини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, кактус, банан, ананас, олмадан бўлган альтернативларнинг мавжудлиги ёпиқ циклли иқтисодий тизимни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиши мумкинлигини ҳамда тўқимачилик саноати корхоналарининг харажатларини камайишини, қўшимча қиймат яратиш салоҳиятининг ошишини англатади. Бу тўқимачилик саноатида янги инновацион фаолиятнинг лойиҳавий қиймати аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда атроф-муҳит муҳофазасини сақлаш билан белгиланишидан ташқари иқтисодий жиҳатдан инвестицион жозибадорликнинг ошиши, инновацион салоҳиятнинг ўсишини таъминлайди.

Тўқимачилик саноати корхоналарининг мато ишлаб чиқариш фаолиятида анъанавий хомашё материалларни етиштириш ўзига хос машаққат ва вақт талаб этади. Ёпиқ циклли иқтисодий тизим асосидаги фаолиятни бошқарувида мазкур ҳолат аксинча кўринишга эга, маълум маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан чиққан чиқиндини сотишдан ва унинг натижасида корхона даромадини оширишдан манфаатдор бўлганлиги эвазига ташаббусли таклифлар билан чиқиш эҳтимоллари ва лойиҳавий ҳамкорлик шартномаларини узоқ йиллар давомида олиб бориш истагида бўлишлари табиий кутилажак ҳолат сифатида намоён бўлади. Қолаверса, чиқинди мақомидаги хомашё ресурсларини харид қилган корхона ўзининг шартли нархини билдирган ҳолда савдолашиши эвазига тежамкорликка эга бўлиши юзага келади. Мазкур альтернативларни 1-жадвалда диссертация доирасидаги тадқиқот олиб боришда тўпланган маълумотлар асосида шакллантирилди.

**1-жадвал**

**Тўқимачилик саноатида ёпиқ циклли иқтисодий тизим асосида ишлаб чиқариш учун хомашё алтернативлари** [1; 134–138-б.]

| № | Алтернатив маҳсулот | Хусусияти | Алтернатив маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни | Фойдаланувчи корхоналар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Олма пўстлоғи | Целлюлозага бой | Шарбат ишлаб чиқаришда ажратма чиқинди | Allégorie, Oliver Co., Veerah, Samara |
| 2. | Дарахт барглари | Сувга чидамли ва қалин | Хазонрезги | Tree Tribe ва Jungle |
| 3. | Узум пўстлоғи (вегеа) | Целлюлозага бой | Ҳар 10 литр май ишлаб чиқаришда 2,5 литр чиқинди чиқади | Ganni, Pangaia. |
| 4. | Қўзиқорин пўстлоғи | Мицелия, кўп томир отадиган | Қўзиқоринннинг бош қисмидан қолган қисми | Stella McCartney, Mylo, Bolt Threads |
| 5. | Ананас пўстлоғи | Патсимон толалар | Ананас меваси ҳосилини олишдан чиққан чиқинди | 100 дан ортиқ компаниялар фойдаланади. Svala, No Saints, Ananas Anam |
| 6. | Қичитқи ўт | 16 асрда қўлланилган | Фармацевтика чиқиндилари | 100 дан ортиқ компаниялар фойдаланади |
| 7. | Цитрус мевалар пўстлоғи | Целлюлоза | Апелсин шарбатини ишлаб чиқаришдан чиқинди | Salvatore Ferragamo |
| 8. | Кактус пўстлоғи | Углекислотали газнинг 30 фоизи ютинади | Фармацевтика чиқиндилари | Allégorie, Miomojo, KEVA. |
| 9. | Картошка | Картошка чиқиндиси | Чипс ишлаб чиқаришдан чиқадиган чиқинди | Cubitts London, Isabel Fletcher |
| 10. | Сув ўтлари | Бўёқ учун | | Hylo Athletics, Dr.Scholl's Shoes, Pangaia. |
| 11. | Дарахт пўстлоғи | Кўп толали | Қоғоз чишлаб чиқаришда ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда чиқадиган чиқинди | The North Face, Bergans, Marimekko, Spinnova |
| 12. | Банан пўстлоғи | 13 асрда қўлланилган | Мева ҳосилини олишда чиқадиган чиқинди | Milo+Nicki, Valani |

"Alkim Tekstil" МЧЖда ёпиқ циклли иқтисодий тизим асосида фаолият олиб бориш мақсадида альтернатив хомашё ресурслари билан таъминланиши мумкин бўлган танловлар мамлакатимизда катта рўйхатни ташкил этмайди, шунга қарамасдан, қичитқи ўт, қўзиқорин чиқиндиси, дарахт пўстлоғи ва дарахт барглари чиқиндиларидан корхонадаги мавжуд технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Мамлакатимизда чиқиндилардан тўқимачилик саноати корхоналари учун барча альтернативларни тақдим этиш мумкин, аммо тўқимачилик саноати корхоналарининг технологик имкониятлари ҳамда ресурс таъминотидаги

чиқиндиларни тақдим этувчи корхоналарнинг аксарият қисми юқорида келтирилган маҳсулотлардан кенг кўламда фойдаланмадилар. Жумладан, ананас, банан, кактус сингари маҳсулотлар асосида ишлаб чиқаришнинг ўзи мамлакатимиз корхоналари учун қиммат ресурс саналганлиги туфайли, унинг чиқиндиси борасидаги альтернатив кўриб чиқилишида иқтисодий мазмун йўқ. “Alkim Tekstil” МЧЖнинг технологик имкониятлари қичитқи ўт ҳамда дарахт баргларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш қувватига ҳамда шароитига эга.

“Alkim Tekstil” МЧЖга қичитқи ўт ҳамда дарахт барглари чиқиндиларидан ёпиқ циклли иқтисодий тизим асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни лойиҳа тариқасида кўриб чиқиш тадқиқот ишини бажаришда кўзланган мақсад ва вазифаларга эришишда илмий аҳамият касб этганлигини инобатга олган ҳолда тавсия этилади.

**2-жадвал**

**“Alkim Tekstil” МЧЖда қичитқи ўт асосида мато ишлаб чиқариш лойиҳаси (1 миллион тонна мато ишлаб чиқариш/1 йил, Rieter дастгоҳида)** [4; 69–82-б.]

| № | Жараён номи | Харажат | Амортизацион ажратма | Экологик самарадорлиги | Иқтисодий самарадорлиги |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *миллион сўмда* | *миллион сўмда* | *фоизда* | *фоизда* |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1. | Қуритиш ва янчиш | 1 239,42 | 68,041 | 3,7 | 1,09 |
| 2. | Тараш | 441,73 | 46,946 | 2,2 | 0,78 |
| 3. | Пилталаш | 209,02 | 42,401 | 1,3 | 1,0 |
| 4. | Пиликлаш | 188,36 | 47,605 | 1,45 | 1,03 |
| 5. | Йигириш | 334,29 | 48,945 | 2,36 | 2,2 |
| 6. | Ўраш | 108,76 | 34,238 | 0,4 | 1,0 |
| 7. | Тўқиш | 549,01 | 58,036 | 0,7 | 1,2 |
| 8. | Бўяш | 287,89 | 44,082 | 0,5 | 0,8 |
| 9. | Мерсеризация | 285,23 | 36,381 | - | - |
| 10. | Қуритиш ва дазмоллаш | 103,40 | 26,965 | - | - |
| 11. | Қадоқлаш | 111,37 | 24,062 | - | - |

Қичитқи ўтни ишлаб чиқаришнинг ёпиқ циклли иқтисодий тизим асосида ишлаб чиқариш лойиҳаси корхонанинг мавжуд технологияларини ўзгартиришга эҳтиёж туғдирмайди, аксинча баъзи жараёнларда пахтадан мато тайёрланадиган барча жараёнлардан ўтказилмаслиги билан иқтисодий тежамкорликка эга. Ёпиқ циклли иқтисодий тизим асосида ишлаб чиқариш фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида “Alkim Tekstil” МЧЖнинг мамлакатнинг экологик хавфсизлигини янада юқорироқ таъминлашга эришиши мумкин бўлган кўрсаткичларга эга бўлиб, бунда иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигига тўсқинлик қилмаган ҳолда амалга оширилиши лойиҳада асосли қийматини намоён этди. Ёпиқ циклли иқтисодий тизим асосида ишлаб чиқаришнинг “Alkim Tekstil” МЧЖ учун даромадлилик даражасининг лойиҳавий

прогноз кўрсаткичлари салмоқли ўсиш суръатига эга бўлиб, барқарор тенденция кузатилади. (2расм)




**2-расм. "Alkim Tekstil" МЧЖда қичитқи ўтдан кулир мато ишлаб чиқаришнинг иқтисодий прогноз кўрсаткичлари, 2023-2032 йй (фоизда, 10 миллион тонна мато учун)**

"Alkim Tekstil" МЧЖда қичитқи ўтдан мато ишлаб чиқаришнинг иқтисодий прогноз кўрсаткичлари АҚШнинг IBM компаниясининг "SPSS Statista 1.0» дастурида 3:1:2 омиллар нисбатида ARIMA да автокорреляция ҳамда регрессиядан фойдаланган ҳолда сарҳисоб қилинди. Бунда "Alkim Tekstil" МЧЖда қичитқи ўтдан мато ишлаб чиқаришда 1 туп мато ишлаб чиқариш синов натижалари хизмат қилди. (1 миллион тонна мато ишлаб чиқаришда икки қатлам тўқиш асосида 110 смни ташкил этган, мато қалинлиги пахтага қараганда 2 г/м$^2$ кўпроқ, яъни 142 г/м$^2$. Бир туп кулир 27 кг/(1,1*0,142)=172 855,31 м.)

2023 ва 2024 йилда даромад 2,5 фоиз ҳисобида ўсиш суръатига эга бўлиши кутилса, 2025 йилга келиб мазкур кўрсаткич иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик кўрсаткичлари туфайли маҳсулотга бўлган ошган талабни қондириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажми мутаносиб тарзда ўсишини инобатга олган ҳолда даромад 2024 йилга қараганда 1 фоиз кўпроқ даромад келтиради. 2026 йилда ҳар беш йилда иқтисодий цикл ўзгаришларини эконометрик ҳисобини олган ҳолда натижавийлик 3,1 фоизга қадар тушишини сарҳисоби таъсири 2027 йилда ҳам кузатилади. 2028 йилга келиб, даромад кўрсаткичи ўсиш суръатини истиқболли эришиш қобилиятини тиклаган ҳолда 3,2 фоизга етиши кутилади. 2029 йилдан 2032 йилга қадар даромад олиш кўрсаткичи йил сайин барқарор ўсиб боради ва 2032 йилда 3,8 фоизга етиши кутилади.

Соф фойда кўрсаткичи прогнози 2023 йилда 1,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб барқарорликни таъминловчи 1,5 фоиздан иборат бўлади. 2025 йилда мазкур кўрсаткич 1,8 фоизга қадар ўсиш суръатига эга бўлсада, кейинги йилларда ўртача 1,3 фоиз ўсиш суръатини ташкил этади. Бу кўрсаткичларнинг келгуси 2032 йилга қадар пасайиш ҳолатлари кузатилишига қарамасдан соф фойда корхона учун таъминланади ва корхонанинг барқарорлигини таъминлашда тўсқинлик қилмайди.

Ёпиқ циклли иқтисодий тизим учун муҳим кўрсаткичлардан ўрин олган экологик хавфсизликни таъминлаш самарадорлиги "Alkim Tekstil" МЧЖда қичитқи ўт асосида

ишлаб чиқариш натижасида 2023-йил якунига қадар 0,9 фоиз самарадорлик бўлиши кутилмоқда. Бунда ҳавога чиқиндиларни чиқиши, оқава сувларнинг қисқариши ҳамда мато ишлаб чиқаришда зарарли моддалар билан фауна ва флоранинг экологик таъминоти назарда тутилган ҳолда сарҳисоби келтирилган. 2024 йилда мазкур кўрсаткич 1 фоизга етиб, 2032 йилга қадар ўртача 1,25 фоизни ташкил этади. Мазкур экологик хавфсизликни таъминлаш самарадорлиги фоизлари унча йирик бўлмасада, нисбатан юқори кўрсаткичлари асосида атроф-муҳофазасини келгуси йилларда янада илғор технологияларини жалб этган ҳолда салмоқли ошириш имконияти кенгаяди. Бунинг учун узлуксиз тўқимачилик саноати корхоналарининг экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган технологиялар асосида мато ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳамда уни таъминлашга қаратилган технологияларга нисбатан давлат томонидан божхона ҳамда солиқ имтиёзларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Хулоса.** Ёпиқ циклли иқтисодий тизимни фаоллаштиришда рискларни бошқариш кўрсаткичлари ўзгаришсиз қолмайди. Ёпиқ циклли иқтисодий тизим фаолиятида рисклар классификацияси техник, иқтисодий, ижтимоий, инвестицион, инновацион ҳамда савдо рискларига ажратилади. “Alkim Tekstil” МЧЖда ёпиқ циклли иқтисодий тизимни татбиқ этиш натижасида рискларнинг сўндирилиши прогнози 3-расмда келтирилди.




**3-расм. “Alkim Tekstil” МЧЖда ёпиқ циклли иқтисодий тизим асосида ишлаб чиқариш орқали рискларни сўндириш натижасида имкониятларга эга бўлиш даражаси прогнози, 2023-2028 йй.** [3; 55–62-б.]

3-расмда келтирилган прогноз “RiskyProject Lite” номли рискларни прогнозлаш ва уларнинг танланма стратегиялари орқали таваккалчиликни баҳолаш дастурида бажарилди. Мазкур прогноз ҳар 6 ойлик бўлинма ҳисобига шкаласимон яъни рисклар матрицасини рискларни сўндириш ҳамда кутилажак имкониятлар стратегияларини танлаш асосида келтирилди. Яшил ранг юқори, сариқ ўрта, қизил қуйи даражаларни англатади. Унинг натижасига кўра, келгуси 5 йил давомида ёпиқ циклли иқтисодий тизим фаолиятининг корхонада татбиғини такомиллаштириш корхонанинг истиқболи учун ижобий натижаларни тақдим этиши ҳамда инновацион технологик трансформацион механизмларни фаоллаштиришнинг изчиллигини оширишга салмоқли хизмат қилади. Бунда қичитқи ўтдан мато ишлаб чиқариш фаолияти

мисолида олинган прогноз саналади. Шунга кўра таъкидлаш жоизки, корхонада қичитқи ўтдан мато ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш рискларнинг пастлиги ҳамда юқори иқтисодий самарадорликни таъминлаш ижобий кўрсаткичларга эгалиги билан лойиҳавий жиҳатдан муваффақиятни кафолатловчи аҳамиятга эга.

## Адабиётлар/Литература/References:


1. Худайназарова Д.Х. Тўқимачилик саноати корхоналарида риск бошқаруви кўрсаткичларини баҳолаш усуллари //Prospects of development of science and education. – 2023. – Т. 1. – №. 9. – С. 134-138.
2. Khudaynazarova D. Introduction of new banking services in the conditions of innovative economy in Uzbekistan. III International Scientific and Practical Conference «The modern vector of the development of science», March 02 – 03, 2023, Philadelphia, USA. 144 p. ISBN 978-92-44513-38-5 DOI https://doi.org/10.5281/zenodo.7709801, p.22-29
3. Khudaynazarova D. Increasing efficiency of economic risks of textile industry enterprises based on the mechanism of incremental innovative activity // Journal of Management Value & Ethics, ISSN-2249-9512, SJIF 7.607 & GIF 0.626, April-May. 22 Vol. 12 No. 01,55-62 (08.00.00; №12)
4. Khudaynazarova D. Prospects of strategic transformation of the risks of textile industry enterprises within the framework of the green economy // Journal of Management Value & Ethics, ISSN-2249-9512, SJIF 7.607 & GIF 0.626, April-May. 22 Vol. 12 No. 01, 69-82 (08.00.00; №12)
5. Худайназарова Д.Х. Тўқимачилик саноати корхоналарини риск бошқаруви механизмларини қўллашда жаҳон мамлакатлари тажрибаси. «Саноат иқтисодиёти ва менежменти: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги III -ҳалқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: 2023.118-121
6. Худайназарова Д.Х. Тўқимачилик саноати корхоналарида риск бошқаруви Механизмлари кўрсаткичларини баҳолаш усуллари. «Саноат иқтисодиёти ва менежменти: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги III -ҳалқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: 2023. 113-116
7. Khayrullaevna, K. D. . (2021). Innovative Power of the Region: Nature, Structure and Development Directions. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 133–137 https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/154
8. Stat.uz
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси маълумотлари, 2023 йил

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SCP1342V3I8Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

### *№ 8 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари"** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
**Муассис**: "SCIENCEPROBLEMS TEAM" масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
**Боғланиш учун телефонлар:**
(99) 602-09-84 (telegram).